


Касбий психология фаниниг асосий методлари



Касб психологиясининг илмий тадқиқот методлари.

Режа:

1. Касбнинг психологик моҳиятини очишда
фанлараро интеграциянинг моҳияти.
2. Кузатиш, суҳбат, интервью
3. Варақалар, тестлар, таржимаи ҳол
4. Эксперимент, меҳнат маҳсулини таҳлил қилиш ва
бошқалар.

Кузатиш методи психология фанининг
универсал тадқиқот методлари қаторига
киритилиб, унинг барча соҳаларида
қўлланилмоқда, айниқса, татбиқийлик
имкониятининг юксаклиги, статистик ҳисоблашга
берилувчанлик хусусияти билан бошқа
методлардан ажралиб туради.

Психология фанида кузатишнинг қуйидаги турлари мавжуд

- Изчил
- эпизодли
- дала шароитли
- лабораториявий – сунъий
- табiiй
- Хронологияли
- даврий
- бир мартали

Тест методи

Илмий психологик манбаларда қайд қилинишига кўра, интеллект-лотинча сўздан олинган бўлиб, у одатда ақл – идрок, англаш, тушуниш, фаҳмлаш деган маънони англатади. Бизнингча, интеллект шахснинг муайян даражада мустаҳкам, барқарор ақлий қобилиятлари мажмуаси тузилишидан иборатдир

Биография (таржимаи ҳол) методи

Инсон психикасини-руҳиятини тадқиқ қилиш учун унинг ҳаёти, фаолияти, ижодиёти тўғрисидаги оғзаки ва ёзма маълумотлар одамларнинг таржимаи ҳоли, кундаликлари, хатлари, эсдаликлари муҳим аҳамиятига эга.

Анкета методи

Умумий психологияда кенг қўлланиладиган методлардан бири бўлиб, унда одамларнинг психологик хусусиятлари нарса ва ҳодисаларга нисбатан муносабатлари ўрганилади.

Анкета одатда 3 хил бўлиб:

- ❖ Биринчи хилида англашилган мотивларни аниқлашга мўлжалланган саволлардан иборат бўлади
- ❖ Иккинчи хилида эса фақат биттагина жавоб танлаш шарти билан ҳар бир саволга бир нечтадан тайёр жавоблар ҳам берилади.
- ❖ Учинчи хил анкета синалувчига ҳавола қилинганда камида тўрт-беш тўғри жавоблари баллар ёрдамида баҳоланади.

Социометрия методи

Бу тадқиқот методига АКШлик Джон Морено асос солган бўлиб, кичик (бирламчи) гуруҳ аъзолари ўртасида эмоционал, ҳиссий муносабатларни бевосита ўрганиш ва даражасини ўлчашда қўлланилади

Интерпритацион жараён

Гурухий табақаланишни кўрсатиш учун социограмма тўртта «майдон»га ажратилади. Қизлар доирача билан, ўғил болалар эса учбурчаклар билан белгиланади. Доирача ва учбурчаклар сони фамилиялар сонига тўғри келади. Гуруҳ аъзоларининг ўзаро муносабатлари доирача ва учбурчаклар стрелкалар билан боғланганида ўз ифодасини топади.

Фаолият маҳсулини таҳлил қилиш методи

Бу метод психологияда инсон хотираси, тафаккури, қобилияти ва ҳаёлининг хусусиятларини аниқлаш мақсадида кенг қўлланилади. Одам чизган расмлар, ясаган ўйинчоқлар, моделлар, тўқиган нарсалар, тиккан қўғирчоқлар, тўқиб, сўзлаб берилган ҳикоялар, техник конструкциялар чизмасини тушуниш қабиларни таҳлил қилиш орқали уларнинг мантиқий хотираси, тафаккури, бадиий ва адабий қобилияти, ижодий ҳаёли, техник ижоди юзасидан материаллар тўплаш мумкин.

Психология сузининг маъноси

ПСИХОЛОГИЯ

```
graph TD; A(ПСИХОЛОГИЯ) --> B(«Псюхе» жон, рух); A --> C(«Логос» таълимот, илм)
```

«Псюхе»
жон, рух

«Логос»
таълимот, илм

Психика – бу инсон руҳиятининг шундай ҳолатики, у ташқи оламни (ички руҳий оламни ҳам) онгли (баъзан онгсиз ҳам) тарзда акс эттиришимизни, яъни билишимиз, ҳис қилишимиз, тасаввур қилиб, англашимизни таъминлайди.

**Эътиборингиз учун
рахмат**